



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиққа бошлаган

E-mail: halksuzi@uzpak.uz

2002 йил 13 ноябрь, №246 (3074)

Чоршанба

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Сиз, азиз самарқандликларни эришган катта меҳнат ғалабасиз — 250 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, давлатга пахта топшириш йиллик шартнома режасини бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган, ҳар соҳада билимдон ва тажрибали вилоят аҳли кўлга киритган бу муваффақият негизда аввало Самарқанд заминининг беқиёс салоҳияти, ерга қалб кўриши бериб ишлайётган заҳматкаш деҳқонларимизнинг бунёдкорлик меҳнати мужассамдир.

Бу ютуқ ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, ишни тўғри ташкил этиб ишлаган, мавжуд барча имкониятлардан оқилона ва унмунли фойдаланган тақдирда қишлоқ хўжалигида қандай самараларга эришиш мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди.

Айниқса, сизларнинг жорий йилда нафақат пахтачилик, балки ғаллачилик соҳасида ҳам шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этганингиз вилоятда қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, аввало барчамизни боқадан ерга меҳр ва эгалик ҳиссиети кучайтгани, юртимиз, Ватанимиз манфаатлари йўлида бераётган натижаларининг далолати деб биламан.

Ишончим комилки, азму шижоат ва мустаҳкам ирода соҳиби бўлган вилоят меҳнаткорлари Самарқанд деҳқончилик мактабининг қадимий шухратини қайтадан тиклаб, бу дийёр номини бутун дунёга тараннум этган буюк болаларимиз анъаналарини амалий ишлари билан давом эттирадilar.

Қишлоқ хўжалиги учун мураккаб бўлган бу йилни ёруғ юз билан яқунлайган сиз, азиз юрдошларимни пешона терингиз, гайрат-шижоатингиз самараси бўлмиш бузуги зафарингиз билан яна бир бор қўтлар эканман, барчангизга сизат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу баракат, олижаноб иштишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

Доимо омон бўлинг, омадингизни берсин, қадрдорларим!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

БМТ котибининг мустақилликка ўн йил аввал эришган мамлакатингизга амалга оширган илк сафар чоғида менга ва делегация аъзоларига кўрсатилган меҳмондорчилик учун Нью-Йоркка қайтганимдан сўнг ўзининг чуқур миннатдорчилигини изҳор этмоқчиман.

Учрашувимиз бизга ўзаро ташвиш уйғотётган ва минтақада содир бўлаётган масалалар бўйича қарашлар юзасидан фикр алмашишга аjoyиб имконият яратди. Мен Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олий мақсадларига салоқат ва қўллаб-қувватлашни кўнун билан таъкидламоқчиман. Деярли янги аъзо давлат — Ўзбекистон Ташкилот ишида ўзининг ҳиссаси ва обрўси билан фахр қасовор. БМТнинг Ўзбекистон билан муносабатлари бундан бундан ҳам ривожланмади ва Сиз билан суҳбатлар давомида муҳокама этилган соҳалар натижалар беришига аминман. Хусусан, Сизнинг минтақавий мажорларнинг олдини олиш, сув ресурсларини қувватлашни ва бундан кейин ҳам Афғонистонда тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш сингари БМТ ташаббусларини қувватлаганингиз таъсирини дойик, Сизнинг Тошкентда наркотиклар назорати бўйича минтақавий марказ тузиш юзасидан ташаббусингизни ўрганиш учун БМТнинг наркотиклар бўйича назорат ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасига топшириб бердим.

Сизнинг номингиздан уюштирилган аjoyиб қабул маросими сафаримиз давомидаги энг унутилмас лаҳзалар бўлиб қолди. Ушбу қабул маросимининг гузаллиги — самимий суҳбатларда ва албатта, бетакорр бадий чиқишларда намоён бўлди. Ушбу қабул маросимда чиқишлар қилган санъаткорларга меннинг алоҳида ташаккуримни етказишингизни Сиздан илтимос қиламан.

Хатимнинг якунида Нэнга, делегация аъзоларига ва менга Самарқанд ва Бухоронинг тарихий асори атиқалари гузаллигига муносиб баҳо бериш имкониятини яратганингиз учун Сизга алоҳида ташаккуримни билдиримоқчиман.

Жаноби Олийлари, Сизга чуқур ҳурматимни қабул қилишингизни сўрайман.

Кофи АННАН,  
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби.

31 октябрь 2002 йил.

## ЎЗБЕКISTON—ЛИТВА: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Халқаро ҳамкорлик маркази»да Савадо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Литва ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлди.

Комиссия аъзолари — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Мирабдор Усмонов ҳамда Литва Республикаси транспорт ва коммуникация вазири Зигмантас Балвичис бошқарган мажлисда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш хусусида фикр алмашиди.

Ташкиллаш жоиқи, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил сентябрда Литвага ташрифи чоғида имзоланган муҳим ҳужжатлар асосида давлат ўрта-ҳужжатлари асосида ҳамкорликни янги боқадан кўтарини қаратиладиган. Дастлабки йилги ишларни ўтказиётган ушбу комиссия ҳам Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилди.

2001 йил якунидаги кўра, Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги йиллик товар айланмаси 29,9 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Комиссия мажлисида бу кўрсаткич икки томонин ҳам қониқтирмастли-

ги, фойдаланилмаётган имкониятлар қўлга кириб кетгани айтиб ўтилди. Ҳозир Ўзбекистонда Литва сармоядорлари иштирокида ташкил этилган 22 хўша корхона фаолият кўрсатмоқда. Бундай самарали ҳамкорликни савадо, транспорт инфратузилмаси ва сайёҳлик соҳасида янада ривожлантириш мумкин.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари қўлдан келгани «Литва Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда икки томонлама савадо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш ва аниқ сармоий лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган талай тадбирлар белгиладигани алоҳида таъкидланди.

Хукуматлараро комиссия мажлисида, шунингдек, томонлар турли соҳалардаги ўзаро фойдалан алоқалар истиқболли, икки мамлакатнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланиш имкониятлари хусусида фикрлашди. Оқинда турган вазифаларни бажаришда бундай мулоқотларнинг яхши самара беришига эътибор қаратишди.

Озод РАҲЖОБОВ,  
ЎЗА мухбири.



«Пахта-2002»

## Самарқанд пахтакорларининг улкан хирмони

Самарқанд вилояти пахтакорлари давлат қабул пунктларига 250 минг тоннадан ортиқ саноят хомашиё етказиб бериб, йиллик шартнома режасини бажардилар. Ҳар гектар майдондан ўртача 24 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Вилоят хўжаликларидега деҳқончиликка, хусусан, пахтачиликка бўлган муносабатини кескин ўзгартириш, илгор тажрибалар амалиётга кенг қўлланилгани, иш юритишининг пудрат усули жорий қилинганга ана шундай ютуқлар омили бўлди.

Вилоятда, маълумки, сурункасига икки йил мобайнида пахтадан мўлжалдаги ҳосил олинмади. Оқибатда бу вилоят иқтисодийга пудрат етказибгина қолмай, деҳқон кўнглини ҳам ишдан совитди. Турғи-да, йил — ўн икки ой давомида тиним нимагини билмай, далаларда кўнунланса-ю, кузга келиб, меҳнатининг роҳатини кўрмаса, қандай самара бўлиши мумкин? Устига устак, жорий йил кулламайди қийинчиликлар-чи? Чинг неча бор қайта экилди. Ҳатто пленка остидаги ғўзаларнинг ҳам бир қисми нобуд бўлди. Қисқаси, бир мавсумнинг ўзида табиат уни қайта-қайта синовдан ўтказди.

Лекин деҳқонлар бун келмадилар. Бор тажриба, букилмас ирода табиат қийинчиликларига қарши қўйилди. Барча майдонларда кечкиб бўлса-да, бир текис кўчат олишга эришилди.

Президентимизнинг ўтган йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида сузлаган нутқидеги йўл-йўриқлари ва кўрсатмалари асосида пахтачиликни рентабеллик соҳага айлантириш дастури ишлаб чиқилди. Ана шу дастур талаблари бўйича иш ташкил этилгани бугун ўз натижасини берди.

Самарқандликларнинг пахтачиликка бўлган муносабатлари ўзгариши нимадаларга кўзга ташланади? Аввало майдонларни чингит экишга сифатли тайёрлаш масаласи мутахассислар диққат марказида турди. 110 минг гектар ерининг бонитети қаричма-қарич аниқланди. Шугорлашдан кейин ер обдон текислаб, пушта олинди.

Ўтган йилнинг кузига ана шу юмушлар ниҳоясига етказилди, эким майдонларнинг зарур миқдорда ўғитлар билан тўйинтириш чоралари қўрилди. Ғўза вегетацияси

даврида далаларга бир миллион тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит чиқарилди. Сугорилиш фақат «шарбат» усулида ўтказилди. Бундан ташқари, ҳар гектар ер ҳисобига 450-500 килограммдан минерал ўғит солинди. Бунда обдорлардаги ҳар грамм ўғитнинг далага чиқарилиши қатъий назоратга олинди, илгаридекк талон-тароқчиликларга йўл қўйилмади. Барча агрономлар тадбирлари ўз вақтида, оби-тобида амалга оширилди.

Вилоятда хўжаликлар ва пудратчилар ўртасидаги ички шартнома шартларининг бажарилишини таъминлаш борасида ҳам қатъий чоралар қўрилди. Биргина мисол. Бу йил виллоятда 548 минг тонна ғалла етиштирилди. Унинг 281 минг тоннаси давлатга сотилиб, қолган 250 минг тоннадан ортигини фермер ва пудратчиларга тарқатилди. Бу эса деҳқонда моддий манфаатдорликка ишонч уйғотди.

Пахтачиликда ҳам рағбатлантириш ғўза вегетацияси даврида қўрилди. Ана шу паллада далада ишлаганларга 1 миллион сўмдан ортиқ нақд пул берилди. Мукофотлаш ва натура усуллари ҳам қўлланилди.

Йилнинг-термини бошлашга эса самарқандликлар шойилмадилар. Ҳатто сентябрь ойининг йилгирманчисида ҳам теримга оммавий киришилмади. Ҳосилнинг етилиши, чаноқларнинг тўлиқ очилиши кўтиди. Мўлжалланган мўддат етиб келгач эса, оммавий сафарбарлик бошланди. Мавсумнинг энг қизгин кунларида 190-200 минг кишининг йилгир-теримга чиқиши таъминланди. Йилгир-терим мавсуми барча жойларда Вазирлар Маҳкамасининг «2002 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилди. Ҳар беш кунда теримчиларга дала бошида нақд пул бериб борилди. Ҳозиргача эса улarga тарқатилган нақд пул 7 миллиард сўмдан ошди.

Далада ишлаётганларга маданий хизмат кўрсатиш бутун йил давомида амалга оширилди. Виллоят ҳокимлигининг тарғибот гуруҳи, «Нуроний» жамғармасининг «Маала» гуруҳи, ижодкорлар санъаткорлар пахтакорлар хизматига бўлишди. Савадо, маънавий ва табиий хизмат ҳам кўнунлидагиқ айта қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 2002 йил 12 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,  
2002 йил 12 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
4. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.
5. Ўзбекистон Республикаси Қурулди Қуралининг резервдаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
6. «Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
7. «Давлат статистикаси

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

8. «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

9. «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

10. «Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

11. «Фуқароларнинг мувожадатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

12. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

\*\*\*

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

## Минтақавий экологик марказ йўғилиши

1999 йил июлда Марказий Осиё давлатлари вакиллари, Европа ҳамжамияти, БМТ Тараққиёт дастури иштирокида мустақил халқаро ташкилот — Марказий Осиё минтақавий экологик маркази ташкил этилган эди. Мазкур марказ ўз фаолиятини минтақада мавжуд экологик муаммоларни давлат, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳал этишга қаратган.

Шунингдек, атроф-муҳит мусафоллигини таъминлаш ва табиий ресурслардан оқилона

фойдаланишга йўналтирилган халқаро ташкилотларнинг кичик грантларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ҳам мазкур марказ ва унинг жойлардаги бўлимлари зиммасига юклатган.

Тошкентда Марказий Осиё минтақавий экологик маркази бошқарувчилар кенгашининг йилги йили бўлиб ўтди. Унда минтақавий экологик марказ бўлимлари фаолиятини ривожлантириш, келгуси йил иш режаси лойиҳаси қўриб чиқилди.

Б. ХИДИРОВА,  
ЎЗА мухбири.

## Сўнгги хабарлар

Яқинда Тошкентга Польшанинг «ЛОТ» авиакомпанияси вакиллари ташриф буюришди. «ЛОТ» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси вакиллари икки ташкилот ҳамкорлигини мустаҳкамлаш юзасидан музокаралар ўтказдилар.

## Авиаторлар ҳамкорлиги

Польша томони Марказий Осиё бозорларига киришдан манфаатдор. «ЛОТ» авиакомпаниясининг янги йилдан эътиборан жаҳондаги энг йирик авиация уюшмаларидан бири — «Стар Альянс»га кириши, шунингдек, Польшанинг 2004 йилда Европа Иттифоқига қабул қилиниши иқтисодий нуқтани назардан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси учун катта қизиқиш уйғотди. Эътироф этиш жоизки, бу ҳамкорлик Польша президенти А. Квасневскийнинг Ўзбекистонга қилган ташрифидан сўнг янада ривожланди.

Газетада босилмади, аммо...

## Судлов ҳайъатига протест киритилди

Қашқадарь вилоятининг Чирочки туманидаги Охунбоев номидаги жамоа хўжалигида яшовчи Худойназар Бойқобилов тахририятмига шикоят қилиб йўллаганди. У ўзининг ҳақида мазкур туман матбуот жамиятида тафтиш бўлиб ишлаганини ва бу соҳада 18 йиллик тажрибига эга бўлганини, ноҳадан, ҳеч қандай оғоҳлантиришсиз штат «қисқартириш»га тушиб қолганини баён этилганди. Қарий икки йилдан бундан давом этаётган ушбу мажор томон суди, прокуратураси ва бошқа бир қатор юқори идораларда қўриб чиқилган қарарасидан иш ижобий ҳал этилмади. Натигада Х.Бойқобиловнинг тахририятмига қилган мувожадатидан сўнг, унинг катини қўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош

прокуратурасига юборилди. Мазкур ҳатта республика Бош прокуратурасининг Суларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи, асли катта «аслаҳатчиси И. ЖАСИМОВ» эмсон билан қўйидаги расмий жавобин олди.

«Фуқаро Х.Бойқобиловнинг тахририятга ёзган аризаси фуқаролик иши билан бирга текширилди. Текширув натижасига кўра, қабул қилинган суд қарорлари қонун талабларига эид эканлиги аниқланди. Республика Бош прокуратураси томонидан суд қарорларини бекор қилиш ва ишнинг қайтадан қўриб чиқиш учун уни яна қайта судга юбориш ҳақида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига протест киритилди».




## Ватанамиз шаънини улуғлаганлар

Спорт дунёсиде Олимпиада ўйинларининг уч қарра қатнашчисига алоҳида ҳурмат-эътибор билан қарашди. Ахир бу — катта қобилият, машаққатли меҳнат ва кучли ирода дегани ҳамдир. Осиё ўйинлари, одатда, кичик олимпиада беллашувлари (гарчанд у қўлаб жихатидан анча улкан саналса-да) деб юритилади. Уларда уч марта иштирок этиш жасорат эмасми? Тагин ҳар учаласида ҳам Ватанга медал билан қайтиш — икки қарра жасоратдир. Байларкачи Татьяна Левина ана шундай жасорат соҳибаси ҳисобланади.

Газетамизнинг 4-сифасига қаранг.

(ЎЗА).





**Биз асан**

Табиатта зўравонликнинг охири оқибати нима билан тугаганини биз биргина Орол дентизи мисолида бугун муаммолари билан яққол кўриб турибмиз. Табиатта зўравонлик, ўша давр раҳбарларининг узоқни кўзламай олиб борган сиёсати бугунги кунда жуда қимматга тушмоқда. Биз бу мисолдан эндиликда ҳеч қачон кўз юммаслигимиз, ана шу ибратни ҳаминша ёдда тутмоғимиз шарт.

Шовуллаб оқётган дарёни, унинг ҳар икки қирғоғида ўсган ўт-ўлан, дов-дархатнинг бир кўз олдидан келтирилиши. Ана шу кўз олдидан келтирилган манзаранинг ўзиёқ сизга олам-олам завқ бағишлайди. Зомин, Бахмал, Фориш ёки Бойсон тоғларида бир кеча ётган одам кейинчалик узоқ вақт шарқироқ сойларни, туркираган арча ҳидини, муссаф қавонни, тоғ чўққисидан ялтираган оппоқ қорни, қўрга кўмин пиширилган картошка таъминин, бир коса шўрва ёки дўппидек ошини таниш-билишларига таъмир тугатолмайди. Қизик, нима у картошка эмасми? Шўрва ёки ош тановул қилмаганими? Гап таомда эмас. Аслида ўша тоғлар, ўша сой ва арчалар, у билан рўбарў келган табиат унинг юрагига қувонч бахшида айлаган.

Биз инсонлар ҳам табиатнинг бир бўлагимиз. Фақат бунинг барчаси бирдай тушуниб, бирдай илгмаймиз. Оқибатда дарёларимиз суви ифлосланади, шовуллаб турган дараклар қуриб қолади, қулф уриб ўсган майсаю гуллар пайҳон этилади.

Табиатни муҳофаза қилиш вилоят кўмитамиз ходимлари қачон, қерда бўлмасин нафақат текширишлар ўтказадилар, балки она табиатни асраб-авайлаш, уни кейинги авлодларга қолдириш тўғрисида ҳам кенг тушунтириш ишлари олиб бо-

**Атроф муҳит муҳофазаси**

Шарқнинг буюк алломаси Абу Райҳон Беруний "Агар инсонлар табиатга нисбатан зўравонлик қилиб, унинг қонунларини қўполлик билан бузсалар, бир кун келиб, табиат уларнинг бошига шундай қулфатлар солиши мумкинки, буни ҳеч ким қайтара олмайди", деганида қанчалар ҳақ эди. Зеро, табиат бизни ҳам тўйдирди, ҳам кийинтиради, ҳам юрагимизни қувончларга бурқайди.

**Боланғимиз, табиат**

ришди. Қаранг, биз ўтказган тўққиз ойлик текширув натижасида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 180 тасида қатор камчиликлар аниқланди. Натихада 314 нафар олий фуқаро ва мансабдор шахсларга 1941 минг сўм жарима солинди ва улардан бугунги кунгача 1855,5 минг сўми ундириб олинди. 2001 йилнинг шу даврига нисбатан қонунга зид иш тутган маъмурий шахслар сони 43 нафарга, ундирилган жарималар сони эса 622,5 минг сўмга кўпайди. Табиатга катта зарар келтирган 14 нафар шахсга 575,2 минг сўм жарима солиниб, бу пулнинг ҳаммаси тўлалигича ундириб олинди. Вазирлар Мақомазининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли қарорига асосан атроф-муҳитга ифлослантувчи моддаларни чиқариб ташлаганили, оқибат юборганили учун назоратимиздаги 455 та корхонанинг 425 тасидан 8619,7 минг сўм жарима ундирилди.

Урмонларни, даракзорларни табиат ўпкаси дейишди. Улар нафақат гўзал манзаралар учун керак. Айнан даракзорлар сизу бизга қислорол ишлаб берганили учун ҳам қадрлидир. Афсуски, ян-яшил даракзорларни бехўрақ кесиб ўз шахсий манфаатларига ишлатган уч нафар шахснинг ҳужжатлари чора кўриш учун прокуратура идораларига юборилди. Булар Шароф Рашидов тумани "Пахтаобод" ширкат ҳўжалигида яшовчи Солижон Қўзиёв, Оқолтин тумани "Сардоба" ширкат ҳўжалигида яшовчи Дилмурод Нурматов, шу туманининг "Мустақиллик" ширкат ҳўжалигида истиқомат қилувчи Абдужалол Райимқоловлардир. Уларга нисбатан прокуратура томонидан тегишли чора кўрилади ва келтирилган зарар ундириб олинди.

Кўмитамиз вилоят ҳўжалик суди билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётти. Шу йилнинг ўзида судга иккита қонунбузарлик ҳўққидоғи ҳўжат юборилди. Натихада 600 минг сўмлик давво аризамиз суд то-



монидан кўмитамиз фойдасига ижобий ҳал этиб берилди. Вилоят ҳўқимлиги билан келишилган ҳўлда Шароф Рашидов номли, Оқолтин, Меҳнатобод ва Сайхонобод туманларининг қатор қишлоқларида янги сув тармоқлари қурилмоқда. Бу туманларда қўзини қўм ва лой босиб қолган 13 та сув қудуғи қайтадан таъмирланди. Бугунги кунда бир неча минг оила тоза ва ширин сув манбаларига эга бўлишди. Ичимлик сувининг сифатини аниқлаш бўйича узимизнинг махсус таҳлил инспекциямиз томонидан доимий назорат олиб боришмоқда. Ана шу фаолият натижасида суви истеъмолга яроқсиз саккизта сув қудуғи ёпиб ташланди.

Атроф-муҳитнинг аҳволи ва табиий захиралардан фойдаланиш мониторинги тасдиқлаган махсус режа-жадвал асосида сув, ҳаво ва тупроқни ифлослантувчи манбалар аниқланмоқда. Атроф-муҳит ҳавосини ифлослантувчи манбалар Сирдарё иссиқлик электр станцияси, пахта тозалаш ва асфальт-бетон корхоналари, ун тортиш комбинатлари бўлиб, улар ҳудудидан доимий равишда намуналар олинди, таҳлил этилмоқда. Бир мисол: вилоятимиз бўйича 9 ой давомида атмосферага 75 минг тоннага яқин ҳар хил чанглар кўтарилди. Унинг 30 минг тоннаси Сирдарё иссиқлик электр станцияси ҳиссага тўғри келади. Утган йилнинг шу даврига нисбатан ходимларимизнинг текширишлари, тавсиялари тўғрисида қўрсаткич 7 минг тоннага камайди.

Вилоятимиз ҳудудида эскидан қолган 46 та қишлоқ ҳўжалик аэродромлари мавжуд бўлиб, уларнинг бугунги кунда атроф-муҳитга таъсири таҳлил этиб келинмоқда. Биз буюлардан қай максалда фойдаланиш тўғрисида ҳўжалик раҳбарларига тавсиялар бериб келямиз.

Телевидение, радио ва матбуотда қилинаётган чиқишларимиз ўзининг самарали натижасини бермоқда. Экологик тарбия бўйича махсус плакат-

лар чиқарганимиз. Вилоят халқ таълими бошқармаси билан ўқувчиларга ва кенг оммага мўлжалланган "Экологининг мазмун ва моҳияти нимада?" номли махсус китоб нашр этилди.

Биз қайси даврга яшамалик, табиатдан айри тушолмаймиз. У ҳар биримизнинг маънавий дунёимизни бойитувчи манба ҳисобланади. Табиат сизу бизни соғлиққа, эзгуликка чорлайди. Кўмитамиз ва унга тегишли ҳўжалик ҳамда махсус кишилар томонидан Сирдарё бўйларига жийдазорлар ташкил этилди. Ҳар йили кўклар ойлари юз минглаб туп жийда ва терак қалмақлари ўтказилди. Мақсадимиз дарё бўйларини, ариқ четларини яшил дараклар билан қоплаиб туриш. Кишиларимиз тоза ҳаводан, гўзал манзаралардан баҳраманд бўлишсин. Кишилар Сирдарёни фақат жазиллаган чўлу қишда совуқ шамоллар эсаяган ўлка деб тушунишмасин.

Бундан атиги 50-60 йил аввал дарё бўйида йўлбарс ва бўрилар борлигини айтсақ, бугунги ёшларнинг кўпчилиги ишонмайди. Табиатта зўравонлик туғрисида чакалакзорлар, камингзорлар, бутазорлар беомон йўқ қилиб юборилди. Тўғри, бугунги кунда ҳам вилоятимизда паррандаю дарранданнинг салкам юз тури мавжуд. Бизнинг бугунги вазифамиз ана шу табиат инъомини кўз қорачиғидек асраш, уларнинг эмин-эркин яшашини таъминлашдан иборатдир.

Биз умид қиламизки, тегишли ташкилотлар, энг аввало, вилоятимиз аҳли билан ҳамкорликда ўлкаимизни яшил масканларга айлантирамиз. Кишиларимиз яқин келажакда қуюқ даракзорлар кучюҳага яшайди. Улар соф ҳаводан нафас олиб, она табиат инъомдан барча гўзалликдан баҳраманд бўлишсин.

**Абдуллоҳон ТУРДИҚУЛОВ,**  
Сирдарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси.



**Янги Марказий Кўмита таркубу**

«ИТАР-ТАСС» агентлигининг хабарига қараганда, Пекинда ўтаётган ХХП 16-съезида партиязнинг сайланадиган янги Марказий кўмитаси таркубиди аввалгилардан 6 кишининг номзоди кўрсатилмаган. Улар ичида ХХР раиси Цзя Цзяминь, парламент спикери Ли Пэн ва Бош вазир Чжу Жунцилар ҳам бор.

Маълумотларга кўра, МКнинг янги таркубига номзод кўрсатилмаганларнинг яна уч нафари ХХП ижроия кўмитасининг юқори давозимли аъзоларидир.

**160 МИЛЛИОН йиллик топилма**

Чилида бундан 160 миллион йил аввал янаган ихтиозвар қолдиқлари топилган. Ихтиозварнинг қолдиқлари Сантьягодан 1350 километр узоқликдаги Антофагаст ҳудудидан топилган.

«РИА» «Новости» агентлигининг хабарига кўра, ихтиозвар қолдиқларини Католик университетининг геология факультети талабалари археологик таҳқиқотлар пайтида тасодифан учратилган. Суягининг узунлиги 5 метрдан ортиқ бўлган ихтиозвар қолдиқларини археологлар маҳаллий музейга топширишга қарор қилишган.

**НЬЮ-ЙОРКДА ВАБО ТАҲЛИКАСИ**

Шарҳловчи минбари

АҚШнинг йирик сиёсий-иқтисодий маркази Нью-Йоркда икки сайёҳ зудлик билан касалхонага ётқизилди. Уларда вабо белгилари аниқланган, бу хабар шаҳарда катта ваҳима кўтирилишига сабаб бўлди.

Касаллик Нью-Мексико штатида яшовчи эр-хотинда аниқланган. 53 яшар эркак ва унинг 47 яшар рафиқаси оғир аҳволда касалхонага келтирилди. Эркакнинг иситмаси кўтарилган ва лимфа туғунлари катталашган. Пухта текширувлар натижасида сайёҳ вабога чалинганлиги маълум бўлди. Буни беморнинг ўзи билмаган. Унинг рафиқаси ҳам шифокорлар назорати остида. Бироқ аёлнинг

сайёҳлар яшаб турган уйдаги кемирувчи ҳайвонлар текширилгани ва уларнинг қонида вабо вируси борлиги аниқланганини айтди.

Т.Фридменнинг таъкидлашича, ваҳима кўтаришга ҳолат йўқ. Лекин Нью-Йорк дунёнинг энг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланади. Унда 15 миллиондан зиёд одам истиқомат қилади. Табиийки, аҳоли зич жойлашган шаҳарда касалликнинг тез тарқалиши хавфи юқори бўлади. Ҳозир дунёда йилга 3 минг киши вабога чалинади.

**Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,**  
ЎзА шарҳловчиси.

**Сайлов муддати аниқланди**

Исроил парламенти (Кнессет)нинг сайловлари 2003 йил 28 январь кунини бўлиб ўтади. «Ha'aretz» газетасининг маълумотида кўра, бу ҳақда Кнессетнинг Адлия ва қонунчилик кўмитаси қарор қабул қилган.

«Lenta.ru»нинг хабарига қараганда, муддатидан аввалги сайловлар Исроилда сиёсий инқирознинг кучайиши ва мамлакат ҳўкумати-нинг истеъфога чиқиши сабабли тайинланди.

Аввал сайловлар февраль ойининг бошларида ўтказилиши ҳақида хабар берилган эди.



**Шаҳарни газ булути қоплади**

Эквадор пойтахти Кито шаҳри осмонини «Ревентадор» вулканидан отилган газдан ҳосил бўлган булут қоплаган. Шу тўғрисида мақолада ўқув машулотлари тўхтатишган. Шаҳар аҳолиси махсус маскалар кийишган. Кито шаҳри ҳўқими Пако Манкайо аҳолига иложи борича кўчага чиқмасликни тавсия қилган, чўнки бу газ нафас олиш йўллариинг аялиғиданиши, бош айланиши ва кўз ачишига олиб келиши мумкин.

«РИА» «Новости» агентлигининг маълумотида кўра, вулқон 3 ноябрь кунини Китодан 100 километр шимол-шарқда отила бошлаган эди. Айни пайтда табиий офат оқибатида жабрланганларнинг сони 9000 нафарга етган.

**UZDUNROBITA D·AMPS / AMPS**  
first cellular

**ЭНГ КЕНГ ЁЙИЛГАН ТАРМОҚ**  
**РАҚАМЛИ ҲАМДА АНАЛОГ УЯЛИ ТЕЛЕФОНЛАРИ БЕПУЛ УЛАНАДИ!**  
**НАРХЛАРНИ НАВБАТДАГИ АРЗОНЛАШТИРИШ! D·AMPS / AMPS ТАРМОҒИДА ЯНГИ ХИЗМАТ КўРСАТИШ РЕЖАЛАРИ**

Хизмат кўрсатиш режалари	Тўловнинг энг кам миқдори ойига*	Кириш алоқасининг бир дақиқаси нархи			Чиқиш алоқасининг бир дақиқаси нархи		
		Бир рўйхатга олиш доирасида «Уздунробита» уяли алоқа телефонларидан*** (D·AMPS / AMPS)	Тифизмас пайтда**	Тифиз пайтда	Тифизмас пайтда	Тифиз пайтда	D·AMPS / AMPS Бир абонентга тегишли бўлган «Уздунробита» уяли телефонига
Zero	\$1,30	0	0,07	0,13	0,12	0,19	Чиқиш кўнғироғи қийматидан 50%
Минимал	\$9,00	0	0,05	0,08	0,12	0,16	
Тежамли	\$20,00	0	0,05	0,08	0,10	0,14	
Бизнес	\$35,00	0	0,05	0,08	0,09	0,12	
Ишбилармон	\$40,00	Бепул			0,15	0,21	
Престиж	\$125,00	Бепул****					

\* «Минимал», «Тежамли» ҳамда «Бизнес» режаларига энг кам ойлик тўлови учун энг кам тўлов қийматига тенг бўлган эфир вақти миқдори белгиланади.  
\*\* Тифизмас пайт — соат 23.00дан 07.00гача, тифиз пайт — соат 07.00дан 23.00гача  
\*\*\* Тошкент ягона рўйхатга олиш ҳудудига Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл, Олмалик, Бекобод ва Гулистон шаҳарлари кирдирилди.  
\*\*\*\* «Престиж» режаси бўйича барча хизмат кўрсатиш доирасида чегараланмаган маҳаллий эфир вақти берилади. Рўйхатга олинган ҳудуддан ташқаридаги тариф ҳамма режалар учун («Престиж» бунга кирмайди) - \$0,26

**«Тежамли» ва «Бизнес» режалари учун янги кўшимча ойлик «ПЛЮС» хизмати: ШАНБА ВА ЯҚШАНБА КУНЛАРИ ЧЕКЛАНМАГАН ЭФИР ВАҚТИ, ўзининг рўйхатга олиш ҳудудида хизмат баҳоси — ойига \$16.**  
Нархлар АҚШ доллариди кўрсатилган, тўловлар — тўлов кунига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган курси бўйича. Барча нархлар кўшимча қиймат солиғи билан.

Тошкентдаги сервис маркази манзили: Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй («Лабзан»). Кечаю — кундуз маълумотлар хизмати: 130-09-09, 131-09-09, 131-09-09. «Уздунробита» ҚН телефонларидан — 611. Интернетдаги бизнинг манзилимиз: [www.uzdunrobita.uz](http://www.uzdunrobita.uz)

ЎзПва ТА РТ №0000283

Ватанимиз шаънини улуғлаганлар

Татьяна Левинанинг спортдаги таржима ҳолини битта мақолага ситдириш қийин. Негаки у спортнинг ўзи севган тури бўйича 22 йилдан буюн ҳаюл ва салокат билан хизмат қилиб келмоқда.



Қайиқчилар кайвонуси

наша бошлади. 1985 йилда мамлакат чемпионатида энг юқори поғонага кўтарилди. Узебекистон мустақилликка эришгач, бошқа спортчилар қатори Левина учун ҳам илҳомли кенглик очилди, янги-янги имкониятлар пайдо бўлди.

уларни Осие ўйинлари билан тақдослаб кўрганмикин ҳеч? — Абдотта. Олимпияда ўйинлари — ҳар бир спортчи ҳаётидаги катта воқеа. Биз Атлантага катта тайёргарлик билан бордик, финалга чиқишимиз мумкин эди. Аммо омадимиз қомади: қарера бўлмайдик «туртик»имизга қарши шомолга дуч келавдик...

парварлик туйғуларини сингдирган инсонлар ҳақида гапирсангиз. — Ҳаётимда бундай инсонларни кўп учратдим: улар менга ўргатишди, тарбиялашди, ёрдам бердишди. Мен Андижондаги ўсмирлар ва болалар мактабини бекдасе яхши кўраман. Виллоят спорт кўмитаси, спортнинг сува тури бўйича республика олий мактаби, касабани уюшмалари физкультураспорт жамоаларига ташакурларим бор.

— Гарчанд Осие ўйинлари бир неча ўн йилликлар илгари бошланган бўлса-да, бизнинг бу ҳақда тасавуришим йўқ эди, — хотирлайди Татьяна. — Қачонки Японияга бориб кўргач, бу ўйинлар ҳақидакам эмаслигини ҳайратга туширдик. Бундай улкан анжуманда биринчи бор қатнашаётган спортчиларимиз уларни фахр туйғусини туйдилар ва айни бир вақтда Хиросима майдонларида қаторасига гўзал галабаларга эришилди. Мен ҳам ўз дунюналарим билан байдаркачилар тўртлитига кумуш медални қўлга киритдим.

— Кайиқчиларнинг кайвонусига айланб қолдим, — қуладан Левина. — Тишим чиққандан буюн эшакка эшаман. Осие ўйинларининг учтасини ўқказдим ва уларнинг ҳаммасидан эсталик бўлиб медаллар шодаси қолди. Бангкогда қаттиқ шомоллаб қолдим ва шу туфайли иккилик пойгада Оксана Шиганевич билан «бронза»лик бўлдик. Пусанда эса олтин медални қўлга киритдик. — Сиз Атлантадаги Олимпиядада ҳам қатнашгансиз, — Сизга қаноат ва ватан-

— Энг аввало, ўзинг шуғуланаётган ишнинг севиниш керак. Тўғри, ишнинг ҳаммиша ҳам силлиқ кетавермайди, баъзи муваффақиятсизликлар менга «булай энди» дейётгандек туюлаверади. Аммо мен ўзим сезиб тураман: ҳали вақт бор. Иштиқим, қизиқшим, кучқувватим ҳали узоқ йилларга етади. Ҳатто Афинага ҳам бормоқчиман. — Ниятларинг ўзингга йўлаш бўлсин қайиғимиз кайвонуси! Ҳар бир интилишинг юрт шаънини, Ватан шарафини янада юксак мақомларга кўтараверсин!

Сергей ДАНИЛОВ.

Умид ниҳоллари

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг биринчи босқичи пойнига етмоқда. Биз ушбу беллашувнинг Навоий вилоятида қандай кечаётганлиги билан қизиқдик. Бу ҳақда бизга виллоят «Ешлик» кўнгилли спорт кўмитаси раиси муовини Сирож Примов қуйдагиларни гапириб берди:

Беллашув - баркамоллик кўзгуси

— Хоҳлаган мактабга боринг, «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг қанчалар тез оммавийлашганига гувоҳ бўласиз. Қайси ўқувчинини суҳбатга тортманг, мусобақада қатнашиб, голиб бўлмоқчиман, деган фикрни билдирадди. У эса, спортга иштиқнинг кучлигидан нишон.

қизиқшини ўн чандон ошириди, десак муболага бўлмас. — Ўтказилган спорт ўйинлари ҳақида қандай фикрдасиз? — Қутилганидан зиёда. Нега десангиз, биринчи босқич мусобақаларидаёқ 107 миң ўқувчи қатнашди. Айниқса, Навбаҳор туманидаги Абдулла Қаҳҳор номи, Амийр Темур номи, Увайсий номи, Нурота туманидаги Қ.Раҳматуллаев, С.Раҳимов, Ш.Рашидов номи, Хатирчи туманидаги Ғайратий номи, С.Худойқулов номи мактабларида мусобақалар юксак савияда ўтказилганини таъкилламоқчиман. Бугина эмас, юзлаб ўқувчиларнинг голиблар сифатида рағбатлантиришнинг мурғак қалбларини қанчалар тўқилантирганини тасаввур этинг-а!

— Биринчи босқич мусобақалари мактаблар маъмуриятидан катта масъулият талаб этади... — Фикрингизни тушундим. Аввало, ҳар бир мактабда «Умид ниҳоллари» бурчагини ташкил этилик. Унда мусобақаларнинг мақсади, ўтган йилги натижалар жадвали аке этган. Ҳар бир жамоанинг ўзaro келишган эмблемалари кўрсатилади. Мураббийларнинг исм-шарифи қайд этилади. Қўйингки, булар ва кўзда тутилган бошқа тартиблар, ҳомиёларнинг фикрлари болалардаги

Эрта-индин биринчи босқич якуларини кўриб чиқамиз. Илонанамки, чаққон, найир, соелом, спортнинг маълум турлари билан муттасил шуғуланадиган ўсмирлар ўз келажакларини ушбу мусобақаларда ҳал этмоқдалар. Ватанга муносиб фарзанд бўлишни дилларига жо этадилар. Шунинг узебек, «Умид ниҳоллари» мусобақаларига қизиқшининг зўрлигидан, унинг баркамоллик кўзгусига айланаётганлигидан далолат эмасми?

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲИҚМАТ

Керакдур ҳар ким ўз ҳолини билса, ўзини пешқадамни кўзга илса.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 256-хона

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ КЎМИТАСИ КОМПЬЮТЕР ВА ПРИНТЕРЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Тендерда иштирок этиш учун арза намуналари ва тендер ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг Бутлаш, капитал курилиш ва транспорт бошқармасидан олиш мумкин.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси Ноорганик моддалар технологияси факультетининг декани, доцент Абдусаттор Абдураҳмоновга волидаи муҳтарамаси ЗУЛФИЯ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мардлар кўриклайди Ватанини

Ҳавас Ва иштиқ, иши

— Аскарлик мен учун ҳавас ва катта иштиқнинг натижаси. — дейди гап аввалида Жамолдин Мадрохимов. — Айниқса, чегара қўшилари қисмига тушганим кўнглимдагидек бўлди. Ҳали ўн кун ўтмасдан янгича шароитларга ўргандим. Дуст-биродарлар орттирдим. Ўз уйимда, ўз оиламда яшаётгандайман.

— Бу ерга келганимга 17 кун бўлди. Қишлоғимни соғиндим. Лекин ҳарбий қисмга ҳам ўрганиб қолдим. Ибрат, Ибодилла, Ихтиёр исмли акаларим аскар бўлишган. Мен ҳам оиламга, юртимга муносиб ўғлон бўламан. Отам ва онамга газетангиз орқали саломимни етказсангиз. Бугун белимда аскарлик камари. Зиммамда улуг бурч — уларни уялтирмай хизмат қиламан.




Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Муҳим галаба Спорт

Футбол бўйича мамлакат XI миллий чемпионатининг навбатдаги 27-тур учрашувлари пойтахт жамоаларидан бири «Трактор» муҳлисларини мамнун этди. Кейинги турларда кетма-кет энгилли, турнир жадвалининг сўнги поғоналарига «ўнгиётган» ушбу жамоа сафарда «Сулёйна»га қарши ҳужумкор ўйин намойиш этди ва рақибларини 3:2 ҳисобида мағлуб этиб, муҳим учоқга эла бўлишди.

ликлардан юз ўгирди. 90 дақиқа давомидан дарвозага майдон эгалари футболчиси Узоқбоев томонидан йўланган биргина тўп учрашув тақдирини ҳал қилди. Мезбонларнинг ушбу галабаси наманганликларни муҳим очколардан маҳрум этди. Қолган учрашуларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Бухоро» — «Самарқанд-Динамо» 0:0, «Дўстлик» — «Машъал» 2:0, «Зарафшон» — «Металлург» 1:2, «Насав» — «Андижон» 2:0. Навбатдаги 28-тур баҳслари 16 ноябрда бўлиб ўтади.



Ёш таэквандочилар татамида

Спортнинг яқка кураш турларидан бири таэквандо ёшлар орасида оммалашиб бормоқда. Яқинда пойтахт-тимиздаги МХСК спорт мажмуида 1984-1986 йилда туғилган ёшлар ўртасида ўтказилган «Дўстлик 2002»

турнирида мамлакатимиз вилоятлари ва Тошкент шаҳри ёш таэквандочилари иштирок этди. Ушбу мусобақада голиблик пойтахтнинг Сирғалы тумани жамоасига насиб этган бўлса, иккинчи ўринни Тошкент шаҳрининг «Дўстлик» клуби, учинчи ўринни эса фарғоналик спортчилар эгаллашди.

«ТЕЗИНТОМ» ҚК-БУ ЧИРОЙ ВА КАФОЛАТ ДЕМАКДИР. МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦА ВА УНГА КЕРАКЛИ ЖИҲОЗЛАР. МЕТАЛЛИН ТУРФА РАНГЛИ ПОЛИМЕР ҚОПЛАМА БИЛАН ПАРДОЗЛАШ. ДЕКОРАТИВ ПАНЕЛ ДЕВОРЛАР ВА ОСМА ШИФТЛАР. БАДИЙ САВИЯДАГИ МЕТАЛЛ МАХСУЛОТЛАР. ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ ЛОЙИХАЛАРИНИНГ МЕЪМОРИЙ-БЕЗАШ МАССАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир ҳайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲХОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАМПИБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92 Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65 Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва мияткалар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08; Янгиликлар ва халқор ҳаёт — 132-11-15; Котибхона — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 977, 27225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

Газета таҳриринг компьютер базасида термил ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ. Навбатчи — С. ДОНИЁРОВ. Муасхихчи — М. СУЛАЙМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материал.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 22.00 1 2 3 4 5 6